ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00469

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДА “СИНОВ” МАЪНОСИНИ ИФОДАЛАШНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Сайёра Ташпулот қизи Исраилова
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларида эртак дискурсининг ўзига хос ҳусусиятлари лингвокултурологик аспектда ўрганилади. Инглиз ҳамда ўзбек эртаклари тузилишининг асосини ташкил этувчи “testing”/“синов” концептининг ифода этилиши атрофлича таҳлил этилади. Эртак қаҳрамонларининг ўз мақсадларига эришиш йўлида ўта оғир машаққатларни бошдан ўтказиши ва эртак якунида шубҳасиз енгиб ўтиши хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: эртак, лингвокультурология, тест, инглиз эртаклари, ўзбек эртаклари.

LINGUOCULTUROLOGICAL FEATURES OF REPRESENTING “TESTING” IN ENGLISH AND UZBEK FAIRY TALES

Sayyora Tashpulot kizi Israilova
Uzbekistan State University of World Languages

ABSTRACT

This article examines the specific features of fairy tale discourse in English and Uzbek from a linguoculturological point of view. The expression of the concept of "testing", which forms the basis of the structure of English and Uzbek fairy tales, is analyzed to a certain degree. It is thought that the heroes of the fairy tale will go through a lot of hardships to achieve their goals and will undoubtedly overcome them at the end of the fairy tale.

Keywords: fairy tales, lingvoculturology, test, English fairy tales, Uzbek fairy tales.

КИРИШ

Эртакларнинг, аввало, халқ оғзаки ижодининг энг қадимий, оммавий жанрларидан бири сифатида эътироф этилиши бежиз эмас, улар яратилиши

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00469

жиҳатдан ўта олис ўтмишга бориб тақалиши, бадиий-эстетик томонлама ранг-баранглиги, ғоявий-бадиий юксаклиги, барча этник қатлам вакиллари учун бирдек ардоқли адабий мерос сифатида кўрилиши билан бошқа жанрлардан алоҳида ажралиб туради. Ушбу бебаҳо оғзаки бадиий мерос аждодларимиз томонидан сайқалланган ва бугунги авлод қўлига етиб келган мумтоз адабиётимизнинг энг нодир асарлари, санъат ва мусиқий меросимиз ҳамда меъморчилик санъатининг тенгсиз намуналари қаторида эъзозланади. Шу билан бирга, эртакларнинг асл моҳияти заминида эзгулик ва ёвузлик, соддалик ва айёрлик, сахийлик ва бахиллик, тўғрилик ва эгрилик, муҳаббат ва нафрат, бойлик ва камбағаллик каби бутун инсониятга хос қатор ғоялар ётади.

Эътиборли жиҳати шундаки, эртаклар мазмунан халқларнинг ўтмиши, ижтимоий келиб чиқиши, ҳаёт тарзи, меҳнат хўжалиги, турли касб-ҳунарни эгаллаганлик тажрибаси, уй-рўзғор буюмлари, қурол-яроғи, табиат, атроф-муҳитга бўлган муносабати, диний ва дунёвий билимлари ҳамда миллий-маданий қадриятлари, урф-одатлари билан ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда тасаввур этилади. Кўринадики, эртаклар ўз тингловчиларини маълум бир халқнинг миллий-маданий турмуш тарзи, ўзига хос менталитетидан бохабар қилувчи юксак маънавий воситалардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Биз замонавий илм-фанда “***эртак***” тушунчаси қандай талқин қилинишини кўриб чиқамиз.

Шу ўринда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эртак сўзига берилган таърифни келтириш жоиздир:

Эртак 1 Халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири; тўқима ва уйдирмага асосланган, сеҳрли-саргузашт ва маиший мазмундаги эпик бадиий асар; чўпчак. *Эртак айтмоқ. Бир ариқда сут, иккинчи ариқда шарбат – эртакларда бўлади!* С. Анорбоев, Оқсой. *Илмий-фантастик асарлар билан абадий эртаклар ўзаро яқин алоқададир.* “Фан ва турмуш”.

Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги эртакнинг бошланишида айтиладиган ибора. - *Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги.. – деб бошлади боббом эртакни.* Ойбек, Болалик.

2 Ҳикоя, қисса, воқеа. *Унсин ҳамма воқеани – акаси билан Гулнорнинг севги эртагини кампирдан тўла эшитди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёлғиз Тиктепа қишлоғидагина эмас, теварак қишлоқларда ҳам мулла Обиднинг*

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00469

эртаги, экиндаги муваффақияти оғиздан оғизга юриб кетди. А. Қодирий, Обид кетмон.

Эртакчи - Эртакка уста одам, эртак айтувчи.

Шунингдек, эртак тили махсус турғун иборалар, ўзига хос клишелар ва фразеологик бирликлар билан ажралиб туради ва, шу ўринда, паремиологик бирликлар ҳам кенг миқёсда қўлланилади. Масалан: **“қадим бир подшоликда”, “чекка бир қишлоқда”** (инглиз тилида “**far, far away**”).

Эртакларда нафақат макон, балки воқеа содир бўладиган замон ҳам реал ҳаётга тўғри келмайди, масалан: “**Бир бор экан, бир йўқ экан…”, “қадим ўтган замонда**” (**“once upon a time” “long, long ago”**) ва ҳк. Шу боис, эртакдаги вақт фақат эртак ичида содир бўлади.

Шуниси эътиборлики, эртакда содир бўлаётган воқеалар реал ҳаётда содир бўлиши мумкин эмас. В.Й. Проппнинг фикрига кўра, эртак реал ҳаётни акс эттиради ва ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда юзага келади, бунда ҳар бир воқеа “иккинчи даража” характерига эга.

Азалдан эртакларда қаҳрамонлар зиммасига ўта оғир, мушкул вазифалар юклатилади, ёхуд қаҳрамон ўз истагига эришиш учун машаққатли йўлни босиб ўтади. Баъзан эртаклардаги вазифалар бажариб бўлмасдек туюлса-да, бош қаҳрамон барча қийинчиликларга қарамасдан мақсади йўлида дадил қадам ташлайди, бу эса эртакларга хос бўлган яна бир жиҳат – қаҳрамонларни *“**синов**”дан ўтказиш (**testing**)* хусусиятини юзага келтиради. Жумладан, бу каби бажариб бўлмайдиган вазифалар – бутун дунё миф ва афсоналари, фолклор ва халқ эртакларининг энг оммабоп жиҳатига айланган. Айтиш жоизки, ушбу эртакларда синов принципи феодализмдан ҳам илгарироқ дунёга келган саналади.

Аввало, ушбу “**testing/test**” (“**синов**”) сўзига турли луғатларда берилган таърифларни таққослаймиз, жумладан, “Cambridge Advanced Learner's Dictionary & Thesaurus” луғатида шундай изоҳланади:

TEST noun [C] /test/ **1** a way of discovering, by questions or practical activities, what someone knows, or what someone or something can do or is like:

*She had to take/do an aptitude test before she got the job.***2** a situation that shows how good something is:*Driving on that icy road was a real test of my skill.*

TEST verb [T] /test/to do something in order to discover if something is safe, works correctly, etc., or if something is present.*The manufacturers are currently testing the new engine.*to give someone a set of questions, in order to measure their

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00469

knowledge or ability. If a situation tests someone, it proves how good, strong, etc. they are.*Will you test me on the chemistry I've been learning?*

Бунда **“test”** сўзига бирор нарса ёхуд шахснинг қобилияти/имконияти даражасида турли саволлар, бошқотирмалар ёки амалий топшириқ ва вазифалар орқали салоҳиятини аниқлаш усули демакдир.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса “**синов**” концептига қуйидагича изоҳ берилади:

СИНОВ 1 Синамоқ фл. ҳар. н.**2** Сифатини, чидамли-чидамсизлигини аниқлаш учун ўтказиладиган текшириш. *Синовдан ўтказмоқ. Синов муддати. – Малакали лабораториялар синовидан муваффақиятли ўтган бундай сополлар асрлардан асрларга ўтади, сақланади.* Газетадан. **3** Сабо ва чидам зарур, керак бўлган палла, воқеа-ҳодиса; имтиҳон. *Сиз тақдирнинг синовларига бардош бериб келган мард одамсиз.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Эл бошига иш тушса, дўст синовдан ўтади.* “Шарқ юлдузи”. *Ёш оиланинг бузилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида суд уларга 6 ойлик синов муддати беради.* Газетадан.

4 Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва ўқувчиларининг ҳамда абитуриентларнинг ўқув режасидаги фанлардан олган билими ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш усули. *Институтда синовлар бошланди. – Минглаб абитуриентлар студентлар сафига қўшилиш учун синов имтиҳонларидан ўтишяпти.* Газетадан.

СИНОВЧИ 1 Синамоқ фл. сфдш. *Кампир синовчи кўзлари билан йигитга узоқ тикилди, бошини оҳиста чайқаб, сўнг енгил бир хўрсиниб деди..* Ойбек, Танланган асарлар.**2** Махсус синовдан ўтказувчи мутахассис. *Синовчи учувчи*.

3 *айн*. **синовчан**. *Махдум унга синовчи назар билан тикилиб турарди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Демак, юқоридагилардан кўринадики, синов бу маьлум мақсадда қаҳрамонни синовдан ўтказиш мақсадида бериладиган топшириқ саналади.

Эртакдаги маълум вазият (бирор ноёб неъматни қўлга киритиш, ёхуд севган ёрга етишиш, тавқи лаънатни йўқ қилиш каби) қаҳрамонлар тақдирида турли бурилишлар ясаши, уларни турфа мушкулотларга рўбарў қилиши мумкин, боиси, агар улар ўша вазифани бажариб ёки тўсиқларни енгиб ўтсалар, муродига етишиб, халқ олдида қаҳрамон бўладилар. Мисол тариқасида, маликанинг куёвликка номзод шаҳзодалар олдига қўядиган шартлари, Ялмоғиз Кампир найрангларига дучор бўлган қаҳрамонлар ҳолатини, ёки аксарият ўзбек халқ эртакларида учрайдиган отанинг вафотидан олдин ўғилларига қилган васияти, топшириғини келтиришимиз мумкин. Фолклоршуносликда баъзи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00469

инглиз ижодкорлари бу ҳолатни *“Fantastic Fragility” (“Фантастик нўноқлик”)* оқими сифатида талқин қилишади.

Умуман олганда, синовчи шахс бош қаҳрамоннинг муваффақият қозонишини тасаввур ҳам этмайди: ундан ҳийла-найранг йўли билан халос бўлишга ёки келишувларини охиригача сақлаб қолмаслик учун баҳоналар топишга интилади. Баъзан имконсиз туюлган вазифа – бу ўзбек эртакларида, кўпинча, ёвуз махлуқни енгиш, машаққатли тўсиқдан ўтиш кабиларни ўз ичига олади, аммо ғарб халқларининг кўпгина эртакларида бу оддий бошқотирма ёки жумбоқ бўлиши мумкин.

Баъзан, топшириқни бажарувчиси, синалувчи шахс, яъни қаҳрамон муваффақиятга эришиши йўлидаги бу вазифани рад этса, одатда, бу жуда оғир оқибатларга олиб келади. Бунда синовчи имконсиз вазифалар беришда давом этиши, қаҳрамонни янада қийин аҳволга солиши мумкин, натижада қаҳрамон курашишдан тўхтаб, тақдирга тан бериш керак деган қарорга келади.

Бир томондан, баъзи эртакларда синовчи шахс қаҳрамоннинг муваффақиятидан мамнун бўлади – у энди қайта-қайта вазифалар юбориши мумкин. Бошқа томондан, синовчи қаҳрамоннинг топшириқни бажара олмаслигига ишончи комил бўлади ва ҳеч қачон ҳеч қандай шароитда уни тақдирлаш ҳақида ўйламайди. Шундан кейин эртак қандай якун топиши турли ёш гуруҳларига атаб ёзилган ҳикояларда турлича тус олади.

Қуйида эса инглиз ва ўзбек эртакларида синовнинг талқин этилишига бир қанча мисоллар билан танишамиз:

- Элакда сув олиб юриш (тешикларни лой ёки мох билан тўлдиринг, элакда сув ушлаб турадиган нарсаларни олиб боринг ёки сувни музлатиб қўйинг);
- Бир кеча-кундузда жуда кўп миқдордаги дон ва ясмиқларни саралаш (агар сиз яқиндагина яраланган қуш ёки чумолига ёрдам берган бўлсангиз, у дўстларини сизга ёрдам беришга чақиради);
- Ўз ҳовлисида (дарахт остида, девор орасида) беркитилган хазинани излаш
- Уч бошли аждар билан жанг қилиш (шер, арслон каби йиртқичлар ҳам эртакларнинг асосий салбий қаҳрамонларидандир);
- Денгиз сувининг ҳаракатини бошқариш;
- Ўта ноёб ва топиш мушкул бўлган гиёҳни топиб келтириш (кўп ҳолларда бетоб ётган эртак қаҳрамонининг тақдири ана шу ноёб гиёҳ (суюқлик, мева, дори) га боғлиқ бўлади ва бош қаҳрамон бунинг уддасидан чиқади.).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00469

Баъзан қаҳрамон берилган вазифани бажаришда талаб этиладиган бошқа бир имконсиз эҳтиёж билан қайтади, масалан, шарф тўқиш учун бир нечта ип берилган ақлли деҳқон қизи подшога новда юбориб, ўша новдадан тўқилган дастгоҳ кераклигини айтади. Барча имкониятларни тўлиқ истисно қилиш орқали бажариш бутунлай имконсиз бўлган шартлар қўйилади. Эртаклардаги бундай топшириқлар учта тоифага бўлинади:

1. Ўта қаттиқ куч ва маҳорат талаб этадиган вазифа, бунда қаҳрамон мақсади йўлида қатъий турадиган, қоидаларга бўйсунмас бўлади. (масалан, аждарни енгиш, ўлдириш ёки мамлакатни унинг зулмидан ҳалос этиш)

2. Физик қонуниятларга зид бўлган топшириқлар, аммо қаҳрамон буларни бутунлай жумбоқ деб билади, (худди сувни элакда олиб юриш каби) ёки шунчаки буни имконсиз деб билмаганлиги сабабли муваффақиятга эришади.

3. Сеҳрли афсун, сеҳрли таёқча ёхуд шу каби сеҳрли ашё муаммони ҳал қилади (Ака-ука Гриммларнинг “Seven servants” / “Етти хизматкор” ҳақидаги эртакидаги ёки Алауддиннинг сеҳрли чироғи каби).

Баъзан эса қаҳрамон умуман ҳеч қандай шартни адо этишига тўғри келмайди, аксинча, у топшириқ берилишидан олдин бошқаларга меҳр кўрсатиб, барчанинг кўнглини олган бўлади.

Сўнгги давр эртакларида кўп учраб турадиган яна бир ҳолат – агар сеҳр-жоду етарлича узоқ давом этса, замонавий ёки келажакдаги технологиялар имконсизни имконини топгунча кутишдир. Афсунгар ва жодугарлар деярли ҳеч қачон бунга ишонишмаган.

Шу ўринда, эртакларда энг кўп учрайдиган синовлардан бири сифатида *Engagement Challenge* (*унаштирув машаққати*), яъни ўз севгилисига эришиш учун бош қаҳрамоннинг олдига қўйиладиган вазифа ҳамда шартларни англатади. Кўпинча имконсиздек туюладиган бундай вазифалар қиз (малика) нинг ўзи томонидан ёки унинг ота-онаси, яқинлари томонидан йигит (шахзода)га берилади.

Инглиз эртагидан олинган қуйидаги парчада ҳам айни мана шу вазиятнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

*“Now the young lady was of a very proud, haughty temper, and her anger was raised to such a pitch, that the next morning she ordered three hundred loads of wood to be brought and piled up; and told the prince it was true he had by the help of his servants done the **three tasks** but that before she would marry him someone must sit upon that pile of wood when it was set on fire and bear the heat. She thought to*

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00469

herself that though his servants had done everything else for him, none of them would go so far as to burn themselves for him, and that then she should ***put his love to the test*** *by seeing whether he would sit upon it himself. But she was mistaken; for when the servants heard this, they said, "We have all done something but the frosty man; now his turn is come;" and they took him and put him on the wood and sit it on fire…"*

Таржима:"Ҳозир ёш хоним ўта мағрур ва кеккайган биратворда эди: унинг шунчалик жаҳли чиқдики, эртаси куни эрталаб у уч юзта ёғоч ғўласи тўплаб келишни буюрибди; шахзодага ***уч шартни*** *ҳам хизматкорларининг кўмагида қилганини ва унга уйланишидан олдин яна бир шарт сифатида ана шу ёғоч уюми устида ўтириши ва ёғоч тагидан олов ёқилганда иссиқликка бардош бера олиши кераклигини айтибди. У ўйлабдики, гарчи хизматкорлар шахзода учун ҳамма нарсага тайёр турган бўлишса-да, улардан ҳеч бири ўз ҳаётини хатарга қўйиб ўтга ташламайди ва ана шунда малика шахзоданинг* ***севгиси ҳақиқийлигини синаб кўра олади****. Аммо у адашган эди; хизматкорлар буни эшитган заҳоти шундай дейишибди: "Биз ҳаммамиз, мана бу совуқ юзлидан бошқа ҳаммамиз қўлимиздан келганини қилдик: энди эса унинг навбати келди," шундай деб уни ёғоч устига утиртириб, тагидан олов қўйишибди…"*

Айтиш жоизки, инглиз эртакларида ҳам, ўзбек эртакларида ҳам айнан ўхшаш ҳолатни, синовчи шахснинг синалувчига нисбатан ўзаро муносабат ёхуд ришта боғлаётганда турли оғир топшириқларни беришини кузатамиз. Лингвистик жиҳатдан ўзбек эртакларида аксар ҳолларда "**шарт**" лексемасидан фойдаланилади:

"Подшо қизга уйланмоқчи бўлибди. Лекин қиз на подшога, на вазирларга тегишга кўнмабди.

*— **Шартимни** бажарган мардга тегаман, — дебди қиз.*

— Майдонга қирқ қулоқли дошқозон қурилсин. Қозонга сув тўлдириб, қайнатилсин. Қайнаб турган сувга узугимни ташлайман. Кимки узукни олиб чиқса, қайноқ сувда куймаса, ўша мардга тегаман. Қизнинг айтганларини ҳозирлаб, майдонга дошқозон қуришибди, қозонга сув солиб, уч кеча-кундуз ўт қалашибди. Шу вақт қозоннинг тепасига юзига парда тутган қиз келибди. У қўлидаги ёқут кўзли узукни қозонга ташлаб юборибди ва юзидан пардани кўтарибди. Подшо ва сарой аъёнлари қизнинг ҳуснига маҳлиё бўлиб, ўзлари нима қилаётганликларини билмай, беҳуш-беихтиёр қиз томонга қараб юришибди. Ҳаммаси қозонга тушиб кетишибди. Фақат Кенжа ботир ўзини тутиб қолибди".

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00469

ХУЛОСА

Кўринадики, эртакларда қаҳрамонни синаш энг оммабоп кенг тарзда намоён бўладиган хусусиятлардан ҳисобланади. Юқоридаги қисқача таҳлилимиз натижасида шундай хулосага келишимиз мумкинки, инглиз ва ўзбек эртаклари лингвокультурологик жиҳатдан ўзаро уникал, изоморфик ҳамда алломорфик хусусиятларга эга.

Ҳар иккала халқ эртакларида ҳам ўзига хос эртак қурилиши (бошланма, воқеалар ривожи, тугалланма) мавжуд бўлиб, энг кўп учрайдиган ҳолат бу қаҳрамонни қай йўсинда бўлмасин, маҳорат (куч, билим, қобилият) ини турли усуллар (бажариш имконсиздек туюладиган топшириқ, шарт қўйилади, аммо бош қаҳрамон шубҳасиз барча тўсиқлардан ўтиб, мақсадига эришади) орқали синаб кўриш саналади.

Демак, эртакларда доимо қандайдир ибрат, тугалланган хулоса ётади деб хулоса қилишимиз мумкин. Келгуси ишларимизда ҳам айнан инглиз ва ўзбек эртакларида “testing” / “синов” тушунчасини ифодаланишининг лингвокултурологик жиҳатлари устида янада чуқурроқ изланишлар олиб боришга ҳаракат қиламиз.

REFERENCES

1. Исраилова Сайёра, “Инглиз ва ўзбек эртакларининг лингвокултурологик хусусиятларига доир” Халқаро амалий конференция, Андижон 2020, 98-бет
2. Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна, “Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусияти” мавзусидаги диссертация иши. (БухДУ) Тошкент, 2016
3. “Кенжа ботир” (“Зумрад ва Қиммат”. Ўзбек халқ эртаклари. Ўқитувчи – 2013, 18-бет)
4. Пропп В.Я. Морфология сказки. М., 1969.
5. Пропп В.Я. Фольклор и действительность // Избранные статьи. М., 1976.
6. Пропп *В.Я.* Трансформации волшебных сказок // Русская волшебная сказка. М., 1992.
7. “The Five Servants” (Grimms’ Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 224-б.)
8. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. “Ўзбекистон нашриёти”. Тошкент – 2020. 3-жилд. 513-бет.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00469

9. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. “Ўзбекистон нашриёти”. Тошкент – 2020. 5-жилд. 52-бет.
10. “Cambridge Advanced Learner's Dictionary & Thesaurus https://dictionary-cambridge-org.cdn.ampproject.org/v/s/dictionary.cambridge.org/amp/english/test?amp_js_v=a6&amp_gsa=1&usqp=mq331AQHKAFQArABIA%3D%3D#aoh=16157234963726&referrer=https%3A%2F%2Fwww.google.com&amp_tf=From%20%251%24s&ampshare=https%3A%2F%2Fdictionary.cambridge.org%2Fdictionary%2Fenglish%2Ftest
11. https://www.justanothertune.com/html/cambricshirt.html